

Бақара сураси, 118-оят

19:15 / 15.11.2017 3217

Билмайдиган кимсалар: «Аллоҳ бизга гапирса эди ёки бирор мўъжиза келса эди», - дейишди. Худди шу каби, улардан олдингилар ҳам уларнинг гапига ўхшаш гап айтган эдилар. Қалблари ўхшаш бўлди. Батаҳқиқ, аниқ ишонувчи қавмларга оятларни баён қилганмиз. Бақара 118.

Ояти карима нозил бўлаётган даврда мушриклар шундай дейишган бўлса, улардан олдин яҳудийлар ҳам ўз пайғамбарларига шунга ўхшаш гапларни айтганлар. Жумладан, Мусо алайҳиссаломга «Аллоҳни кўзимизга кўрсат», - дейишган. Турли-туман мўъжизалар кўрсатишни талаб қилишган.

Аслини олганда эса Аллоҳ таоло илмли, инсофли, идрокли одам учун ҳар қадамда мўъжизаларини баён қилиб қўйган.